

**ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШДА ЖАМИЯТНИНГ ЎРНИ****Буранова Нигора Аъзамкуловна**Тошкент Кимё Халқаро университет. Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси
доценти**АННОТАЦИЯ**

Мақолада ёшларда миллий-ахлоқий хусусиятларни ривожлантиришда жамиятнинг ўрни кўриб чиқилган. Жумладан, ёшларнинг маънавий фазилатларини оширишда маънавий қадриятларнинг ўрни таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: ёшлар, маънавият, ватанпарварлик, миллий ўзликни англаш, жамият, миллий маданият.

РОЛЬ ОБЩЕСТВА В ВОСПИТАНИИ ДУХОВНОСТИ МОЛОДЕЖИ**АННОТАЦИЯ**

В статье рассматривается роль общества в формировании национально-этических характеристик у молодежи. В частности, анализируется роль духовных ценностей в повышении моральных качеств молодых людей. **Ключевые слова:** молодёжь, духовность, патриотизм, ценности, национальное самосознание, национальная культура, общество.

THE ROLE OF SOCIETY IN THE SPIRITUAL EDUCATION OF YOUTH**ANNOTATION.**

This article examines the role of society in shaping national and ethical characteristics in young people. Specifically, it analyzes the role of spiritual values in enhancing the moral character of young people.

Key words: youth, of development of national and ethical, cultural factors, society, youths participation in social.

Миллий мустақиллик ўзлгимизни англаб, Ватан тараққиёти ва халқ фаровонлигини таъминлашимиз учун муҳим омил бўлди. Истиқлол туфайли мамлакатимиз фуқаролари, хусусан, ёшларнинг имконият ва салоҳияти рўёбга чиқа бошлади.

Мустақиллик боис бугунги маънавий янгиланишлар жараёни ҳам мамлакат ривожига етакчи куч бўлган ёшларда ўзликни англаш жиҳатларини янада юксалтирилиб, юртимиз равнақи учун камарбаста бўлиш лозимлигини тақозо этмоқда. Натижада ёшларимизда Ватан ва миллат тақдири учун маъсуллик, или ва



хунарнинг сирларини эгаллаш асосида юрт равнақи йўлидаги бунёдкорлик ишларига инновацион ёндашув хислатлари юксалиб, ўз фаолиятларини Ватан равнақи сари йўналтиришга киришди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Юртимиз ёшлари ўртасида илм-фан, таълим- тарбия,тиббиёт, маданият, адабиёт ва санъат, спорт, ишлаб чиқариш, ҳарбий ҳизмат соҳаларида, умуман, барча жабҳаларда жонбозлик кўрсатиб келаётган азамат йигитларимиз жуда кўп.Улар ўзининг жисмоний ва маънавий салоҳияти, истеъдод ва маҳоратини намоён этиши учун зарур шароитларни яратиб бериш борасида мамлакатимизда кўп ишлар қилинапти ва келгусида ҳам уларни албатта давом эттирамиз”². Ёшлар фаолиятига давлат сиёсати даражасида кўрсатилаётган бундай эътибор ёшларимизда ҳам маъсулият ҳиссини юксалтирмоқдаки, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожига бевосита ушубу омил билан чамбарчас боғлиқ.

Миллий истиқлол жамиятимиз аъзоларининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳамда маданий-маънавий камолотининг кафолати сифатида кундалик ҳаётимизда ижобий аҳамият касб этиши билан бир қаторда жамиятнинг ижтимоий-сиёсий янгиланишида ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунончи жамиятда рўй бераётган сиёсий ва ижтимоий иқтисодий ўзгаришлар ёшлар онгида янгича дунёқарашни шакллантирмоқда.

Айниқса, бугунги янгиланишлар шароитида миллий тафаккурнинг ривожига боис, ёшларда маънавиятнинг муҳим қирраси бўлган ўзликни англаш жараёнлари кучайиб, Ватан тақдирига маъсуллик ҳисси ортиб бормоқда. Табиийки, ёшларда дунёқараш янгича мазмун касб этиб, ижтимоий-сиёсий тараққиёт ривожига ўзига ҳос аҳамиятга эга бўлмоқда.

Ёшларда миллий ўзликни англашнинг ўзига ҳос хусусиятлари бўлган Ватанга садоқат, уларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштироки, ёшлар онгида ватанпарварлик ҳиссининг қай даражада эканлигини ўрганиш учун “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан бир қатор социологик сўровлар олиб борилмоқда. Хусусан, 2018 йилда “Ўзбекистон ёшлари: ҳаётий қадриятлар, ахлоқ , ижтимоий йўналишлар” мавзусида социологик тадқиқот ўтказилган.

Бу ижтимоий сўровда ёшларимиз онгида миллий ўзликни англаш жиҳатларини ўрганишда асосий мақсад қилиб қўйидагилар белгиланган:

- 1) ёшларнинг Ватанга садоқат даражасини аниқлаш;
- 2) ёшлар олдида турган муаммоларни аниқлаш;
- 3) ҳаётий қадриятларга муносабатларни аниқлаш;

² Мирзиёев Ш.М. миллий тарққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т.1.Т.: «Ўзбекистон», 2018.Б.535.



4) ёшларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларга тайёргарлик даражасини аниқлаш.

Маънавиятнинг таркибий қисми бўлган Ватанга садоқат кишиларнинг ахлоқий даражаси билан чамбарчас боғлиқ. Шу мақсадда саволномада қўйилган – “Кишиларнинг ахлоқий даражасини белгиловчи сифатлар тўғрисида нималарни биласиз?” деган саволга респондентларнинг 68,3 фоизи “Ўзбек халқининг тарихини яхши билиш лозим”, деб жавоб берган.

Респондентларнинг 72,2 фоизи – “Миллий анъаналарни хурмат қилиш”, 49,5 фоизи – “Виждонийлик ва меҳнатсеварлик”, 53,1 фоизи – “Миллий ғурур туйғусининг шаклланганлиги”, 26,4 фоизи – “Қалбнинг поклиги”, 30,3 фоизи – “Миллий ва диний бағрикенгликнинг устуворлиги”, 6,4 фоизи эса “Камтарлик” деган жавобни белгилашган.³

Ушбу жиҳатлар инсон маънавияти юксалишида ахлоқий омилнинг етакчи ўрин эгаллаши, бунда тарихий тафаккур, анъана ва кадриятларга садоқат, бунёдкорлик ва ҳалоллик, юксак миллий ғурурга эга бўлиб, миллий ўзлигидан ифтихор ҳиссини туя билиш, соф виждонлик, садоқат ва бағрикенглик ҳислатларини ўзида мужассам эта олиш лозимлигини билдиради. Яъни, ёшларимиз ушу жиҳатларни теран идрок этган ҳолда бугунги янгиланишлар жараёнида иштирок этаётганларини кўрсатади.

Ёшлар маънавиятини юксалтиришда уларнинг яшаб турган ҳудудий бирлигига муносабат ва ватанпарварлик даражаси муҳим ўрин тутади. Сўровда ёшларининг ўз мамлакатига муносабати, ватанпарварлик даражаси “Ватан ўзи нима?” еган савол ёрдамида аниқланди. Сўров натижаларининг қиёсий таҳлили Ватан тушунчасини талқин қилишнинг устуворликларини танлашдаги ўзгаришларни яққол кўрсатади. Жавоблардан маълум бўлишича, ёшлар бу тушунчани “инсон туғилган жой” (52,1%), “ўзи ўсган уй, маҳалла, туман” (35,8%), “мустақил Ўзбекистон” (11,6%) тушунчалари билан айнан бир хил деб билади.

Бу, албатта. Ёшларимизнинг асосий қисми ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол қатнашиб келаётганидан дарак беради. Шунингдек, бу фарзандларимизда мамлакатимиздаги демократик ўзгаришларни қўллаб-қувватлашга мойиллик ҳиссининг юқорилигидан, илм олиб, ҳунар ўрганиб жамият тараққиёти учун камарбаста эканликларидан, шахсий ҳаётини қуриб, ота-онасига боқиманда бўлмасдан, иқтисодий мустақилликка эришишга мойиллигидан, демак жамият ривожига ҳисса қўшишга интилиш даражаси устун мавқе касб этаётганидан далолатдир.

Ушбу жавобларни ўз халқининг тарихини яхши билиш, миллий ғурур туйғусининг ривожланганлиги, миллий анъаналарни хурмат қилиш инсоннинг ахлоқини белгиловчи бош сифатлар бўлган ёшларнинг фикри билан таққослаб шундай муҳим ҳулосага келиш мумкин. Яъни, Ўзбекистон ёшлари учун ватанпарварлик ва малакат мустақиллиги уларнинг Ватанга кадриятли муносабатини белгилаб берувчи асосий ҳаётий йўналишлар ҳисобланади.

Маънавиятнинг таркибий қисми бўлган ватанпарварлик туйғуси шахс томонидан ўзини муайян мамлакат, халқ, маданият, келиб чиқиш ва ўхшашлик

³ Социологик тадқиқотга оид факт ва рақамлар «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш марказидан олинди.



асосида табиат билан айнан ҳис қилишнинг субъектив аҳамиятини ифодаловчи омил эканлигини ёшларимиз чуқур идрок этишларини юқоридаги жавоблардан ҳам билиш мумкин. Бу омил ёшларнинг “Ватанпарварлик нима?” деган саволга жавоблари билан янада мустаҳкамланган: 64,5% респондентлар – “Ватанга муҳаббат”, 61,0% респондентлар - “Ватанга фидокорона хизмат қилиш”, 46,5% респондентлар – Ватанни ҳимоя қилишга тайёргарлик” деб жавоб берган.

Мамлакат ёшлари учун ўз халқининг шуҳратини ошириш (33,1%), миллий анъаналар ва одатларга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш (28,9%), Ватан тарихи ва маданиятини билиш (21,8%) зарурати ҳам жуда аҳамиятли экан. Респондентларнинг ушбу саволга жавоб беришларича, ёшларнинг маънавий даражасини анқлашда ушбу жиҳатлар ҳам муҳим ҳисобланади.

Сўралганларнинг ҳар олтинчиси (17,9%) “давлат манфаатларини шахсий манфаатларидан устун қўйиш керак” лигини таъкидлаган. Ушбу жиҳат ёшларимизда сиёсий онг юксалиб бораётганидан, давлат манфаатини етакчи ўринга қўйиш умумтаракқиётнинг муҳим қисми эканини ёшларимиз чуқур идрок этаётганидан далолатдир.

Тадқиқотнинг кўрсатишича, ҳозирги ўзбекистонлик ёшлар учун ватанпарварликнинг моҳияти Ватанга муҳаббат ва фахру ғурур, унга фидокорона хизмат қилишдан, ўз халқини ҳимоя қилиш ва унинг шуҳратини оширишдан, унинг тарихи ва маданиятини билишдан иборатдир.

Ўзининг ватанпарварлик даражасини баҳолай туриб, ёш ўзбекистонликлар “мен ватанпарварман” деган нуқтаи назарни ифода этгани улар таффақурида Ватан туёғуси мустаҳкам ўрин олаётганини кўрсатади.

Ватанпарварлик жамият ва давлатнинг тарихий анъаналари ва ўзига хосликлари билан боғлиқ. Ўз халқига содиқлик ватанпарварликни белгиловчи муҳим ахлоқий сифатлардан ҳисобланади. Мамлакатимиз ёшларнинг 39,5 фоизи – ўз халқининг бахтли келажаги учун курашиш, 35,3 фоизи – ўз халқига муҳаббат, 23,6 фоизи – ўз халқининг тарихи, маданияти ва анъаналарини билиш ва ҳурмат қилиш лозим деган фикрдадир. Ушбу жиҳатлар ҳам ёшлар маънавиятининг юксалиб бораётганидан далолат беради.

Табиийки, ёшлар орасида миллий ва умуминсоний кадриятларни, миллатлараро муносабат маданиятини ўзига хос йўсинда тарғиб этиш зарур.

Ушбу усуллар орқали ёшлар орасида маънавиятнинг муҳим компонентлари бўлган умуминсоний цивилизацияга хос хусусиятларни, ватанпарварлик, фуваровий бирлик каби ҳислатларни ривожлантириш тақозо этилади.

Ёшлар дунёқараши доимо ўсиш суръатига эга. Шу сабабли ушбу муаммо жамият аъзоларидан доимий диққат-эътиборни талаб этиши лозим. Зеро, ҳар қандай мустақил жамият истиқболи ёшлар орасида ўзаро ижобий муносабатларга боғлиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. миллий тарққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т.1.Т.: «Ўзбекистон», 2018.Б.535.
2. Социологик тадқиқотга оид факт ва рақамлар «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш марказидан олинди.



3. Ғуломов О. Ёшлар маънавий камолотида ижтимоий-маданий омиллардан фойдаланиш истиқболлари.

